



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Назарова Гулсанамхон Абдурахмоновна

Фарғона Политехника Институтидеки қотчиси

**АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ**

Аннотация

Мқолада бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик зарурати, бугунги олий таълим муассасаларида иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ва камчиликларни бартараф этиш имкониятлари ва ечим йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, бўлажак иқтисодчиларни тайёрлашнинг инновацион йўллари ва замонавий талабларини уйғунлаштиришдаги истиқболли вазифалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: аналитик тафаккур, иқтисодий билим, гуманистик дунёқараш, иқтисодий зийраклик, аналитик фаолият, педагогик амалиёт, ижтимоий ҳаёт.

Ўзбекистон ўзининг янги тараққиёт босичида оқилона иқтисодий ислоҳотлар натижасида кўплаб мувафақиятларга эришиб келмоқда. Сўнги йилларда миллий хўжалигимизнинг иқтисодий салоҳияти ошиб, бюрократик тизимдан секин-аста ҳолос бўлиб, бозорнинг эркин иқтисодий талаблари асосида ривожланиш йўлига қадам кўйди. Халқаро майдонда ҳам иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатлари кенгайиб бормоқда. Бундай жараёнда юксак салоҳиятли ва рақобатбардош иқтисодчиларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса олий таълим муассасаларида иқтисодчи мутахассисларни тарбиялаш ҳажмини кенгайтириш билан бирга сифатли ва самарадор таълимни ташкил этиш орқали замонавий билим ва кўникмаларга, бугунги



иктисодий макон талаб қилаётган малакаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқишини, ислоҳ қилишини талаб этмоқда. Бугунги кунда кучли мутаҳассис сифатида иқтисодчиларда юксак иқтисодий билимлар билан бирга аналитик тафаккур кўникмаларини ҳам ривожлантириш талаба ҳам юзага чиқмоқда. Бу эса, бўлажак иқтисодчиларни тайёрлаш тизимини янгича ёндашувлар билан бойитиш, унга хорижий тажрибани кенг қўллаш ва амалииёт дарсларига алоҳида урғу берган ҳолда уларни таҳлилий тафаккурини ривожлантириш устуворлик касб этмоқда.

«Жамиятда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш»[1] учун зарур бўлган билимларни эгаллашда иқтисодий билим ва тафаккурнинг ўрни юқори ҳисобланади. Бугунги кунда замонавий билим ва кўникмаалрага эга иқтисодчилардаги муҳим жиҳатлар таркибидаунинг **«иқтисодий билим ва маданиятини белгиловчи фазилатлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ундаги жамият аъзоларининг фаровонлиги ва турмуш даражаси, турли иқтисодий манфаатларнинг ўзаро муштараклиги энг аввало иқтисодий муносабатлар ва қонунларни билиш ҳамда уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишга бевосита боғлиқ»**[2]. Шундай экан, бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурнинг ривожланганлиги турли иқтисодий манфаатларнинг тўқнашуви ёки ўзаро муносабатида уларнинг тўғри танловни амалга ошириши, фаровонликва юқори турумуш даражаси учун тўғри қараорларни қабул қилиш имконияти ва қобилиятини оширади. Бунинг учун эса бўлажак иқтисодчиларбилимли, онгли ва мушоҳадалибўлишлари талаб этилади.

Иқтисодчи олим Ш.Шодмоновнинг фикрича, «доимий ўзгариб турувчи ички ва ташқи иқтисодий муҳит ва унинг инсонлар, корхоналар, мамлакатлар ва бутун дунёга кучайиб борувчи таъсирини кузатиб, амалга оширилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатлар ва иқтисодий фаолият жараёнларини олдиндан сезиш ва кўра билиш, қисқача қилиб айтганда, **иқтисодий зийраклик** – юксак мънавиятли шахс фазилатларидан бири бўлиб, уни чукур иқтисодий билим ва кўникмаларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунингдек, юксак иқтисодий аналиттик тафаккур бўлажак иқтисодчиларнинг жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этиш, унда фаол иштирок этиш ва янада ривожлантириш борасида жамият ва давлат олдидағи жавобгарликлари, яъни **иқтисодий масъулиятларини** ривожлантиришда етакчи ўрин эгаллайди. Биз қураётган эркин, ижтимоий йўналтирилган фуқаролик жамиятига барча жамият аъзоларида **иқтисодий маданиятлиликни** шакллантириш орқали эришишимиз мумкин»[3]. Демак, бўлажак иқтисодчиларда иқтисодий маданятни ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳам уларда аналитик тафаккур ва кучли иқтисодий билимни шакллантириф ҳисобланади. Кучли иқтисодий билим бу хўжалик юритишининг тарихий асослари, ундаги назария ва концепциялар, умуман олганда иқтисодий билимдонлик билан билан белгиланса, иқтисодий аналитик тафаккур бўлса, барча иқтисодий муносабатлар ва қонуниятларга таҳлилий ва танқидий тафаккур билан ёндаша олиш ва ўзаро фарқли ва уйғун жиҳатларини топа били, тафаовутларнинг сабабиятини аниқлашга уринишга асосланади.

Олий таълимда талabalарни аналитик фаолиятга йўллаш ва бу фаолиятни ривожлантиришда мантиқий, танқидий ва аналитик фикрлаш малакасини



шакллантириш шахс сифатида ривожланишларининг динамик асосларини ташкил этади. Зотан, «аналитик услубда фикрлаш ҳар қандай масала юзасидан чуқур, атрофлича мантиқли фикр юритиш билан бирга чиқарилган хulosанинг исботланган бўлиши жихатидан ажралиб туради. Демак, талабаларни аналитик фаолиятга йўллашда ўзига хос ёндашув, қарашни аниқ, мантиқли, ифодали баён этиш ҳамда асослашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир одамнинг тафаккур даражаси ҳам билимлар турфалиги натижасида аналитик тафаккур ўзига хос қарашларни юзага чиқишига имкон беради»[4]. Шунинг учун ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ғарб мамлакатлари педагогик амалиётида аналитик тафаккурни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг заруратини асослаш учун аналитик тафаккур тушунчасининг мазмун-моҳияти, лугатларда ифодаланишини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, аналитик тафаккурнинг ижтимоий-фалсафий ва педагогик жиҳатларини ҳам кўриб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

«Фалсафа комусий лугати»да «аналитика» атамаси «таҳлил қилиш, муҳокама, исботлаш санъати сифатида изоҳланади»[5]. Аналитика атамаси илк бор «Аристотель томонидан мантиқий таҳлил техникасига берилган ном сифатида қўлланган. Унинг «Аналитика» номли асарида фикрлашнинг бу йўсинига тааллуқли икки жиҳат: мураккаб бутунликка эга бўлган обьектни дастлаб оддий қисмларга ажратиш ва уларни текшириш асносида тафаккур юритишнинг мураккаблашиб боришига эътибор қаратилади»[6].

Тадқиқотчи Ш. Ҳасанов фикрича, «аналитик тафаккур – таҳлилий фикр юритиш санъати, бирор муаммо, масала, ахборот, воқеа-ҳодисани ўрганиш жараённида у ҳақда атрофлича, аниқ, теран, чуқур, мазмундор, мустаҳкам тўхтамга келиш қобилияти. Аналитик тафаккур эгаси таҳлил қилинаётган обьектни ҳар томонлама синчиклаб ўрганади: мураккаб ахборотларни қисмларга ажратади, ҳар бир сўз, жумла, деталь, нарса устида жиддий фикр юритади, қисмларни ўзаро мантиқий боғлайди, мақбул хulosага келади ва керакли қарорлар қабул қиласди. Аналитик қобилият эгаси ҳар қандай ҳодиса устида фикр юритганда нарса-ҳодисанинг ташки маъносини уқиш билангина чекланмай, унинг ички – ботиний маъно қатламларини ҳам аниқлашга уринади. Натижада таҳлил этилаётган обьект юзасидан атрофлича тушунча юзага келади. Аналитик тафаккур муаммо ёки масаланинг осон ва тез, тўғри ва аниқ ҳал этилишини таъминлашга хизмат қиласди»[7]. Мазкур тариф асосида тадқиқотчи аналитик тафаккурнинг намоён бўлишини қуйидагича асослайди: «аналитик тафаккур фикрлашнинг мантиқ билан қатъий боғланган, предметни аниқ, тўғри, обьектив, ҳар томонлама таҳлил этишга қаратилган ақлий фаолият туридир; аналитик тафаккур – ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳалари бўйича таҳлил қилиш, муносабат билдириш, ўтмишни англаш, бугунни идрокетиш, келажакни башорат қилиш, тараққиётнинг истиқболли йўлларини белгилаш имконини берадиган сермаҳсул фикрлаш йўсини; аналитик тафаккур инсонни инновацион ғояларни илгари суриш, янги технологияларни яратиш, амалиётга татбиқ этишга ундейдиган яратувчан фикрлаш тарзидир; таълим тизимида талабаларда аналитик тафаккур қобилиятини ривожлантириш –бу мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай муаммога тезлик билан оқилона ечим топа биладиган, фикрий қарамликдан йироқ баркамол авлод тарбиялаш имконини беради. Аналитик тафаккур кишига одам ва оламни идрок этиш қувватини




берадиган, унинг фикрлаш механизмини рационал ҳаракатга келтирадиган ақл генераторидир»[8]. Демак, тафаккур қўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини ошириш борасида самарадорлиги билан алоҳида ажralиб турувчи тури аналитик тафаккур хисобланади. Чунки аналитик тафаккур ўрганилаётган обьектга турли тарафдан ёндашиш, унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш ва тўхтамга келишни тақозо этади. Аналитик тафаккур юритишида фикрлаш суръатининг тезлиги, масалага турли томонда ёндаша билиш, қамровдорлик, муаммога энг мувофиқ ва самарали ечим топиш сингари жиҳатлар устуворлик қиласди. Қадим замонлардан бундай тафаккур эгалари алоҳида қадрланганлар. Бундай фикрлай оладиган шахслар антик Юноностонда аналитиклар деб номланганлар. Шундан бери фикрлашнинг ўзига хос мураккаб тури аналитика номи билан юритиб келинади.

Тадқиқотчи олим М.Мирқосимова фикрича, «аналитик тафаккур мантикий тафаккур хусусиятларини ҳам қамраб олиши, тафаккур суръатининг тезлиги, масалага турли жиҳатлардан ёндашишни талаб этиши, қамровлилиги, муаммонинг асосланган ечимини топиш сингари жиҳатлари билан устуворлик қиласди. Бундай тафаккур эгаси масаланинг асл моҳиятини англаш, унинг сабаб-оқибатларини тушуниш, керакли қарорга кела билиш қобилиятига ҳам эга бўлади. Аналитик тафаккур янги ахборот излаб топиш, уни ўрганиб, тизимга солиш, таққослаш, баҳолаш, мантикий фикрлаш, далилларга таяниш, мавжуд ахборотларга танқидий қарай олиш, олинган маълумотлар асосида тўғри тўхтамга келиш имконини беради. Бинобарин, тараққиётнинг ҳозирги даражаси ҳар қандай қасб эгасидан ўхшатиш, қиёслаш, қисмларга ажратиш, умумлаштириш, тизимлаш, моделлаштириш, таснифлаш, мўлжал қилиш орқали ўз фаолиятини режалаштиришни талаб қиласди. Санаб ўтилган сифатларнинг қарор топиши эса талабаларда яхлит ахборот маданияти ҳамда замонавий, гуманистик дунёқарашни шаклланишида асос вазифасини ўтайди. Маълумки, инсондаги бошқа интеллектуал сифатлар сингари аналитик тафаккур ҳам ўз-ўзиданшаклланиб қолмайди. У тизимли амалга оширилган ақлий тадбирлар туфайли юзага чиқади. Олий адабий таълимда аналитик тафаккурнинг аналитик ўқишидан бошланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам олий адабий таълимда талабаларга таҳлилий ўқишини ўргатиш дикқатмарказидаги дидактик тадбир саналиши керак»[9]. Демак, аналитик тафаккур –юксак таҳлилий фикр юритиши сифатитда талқин қилиниши мумкин. Шу билан бирга ахборотни анализ ва синтез қилиш, унга чуқур мушоҳадакорлик билан ёндашиш, танқидий таҳлил ва мантикий муҳокама қилиш ҳам аналитик тафаккурнинг асоси ҳисобланади. Шу боис бўлажак кадрларни, у тарихчи, биолог, ёки кимёгар, тилчи ёки математик, ёки иқтисодчи бўлишидан қатий назар аналитик тафаккурини ривожлантиришга алоҳида урғу бериш олий таълимга қўйилаётган замонавий талабалардан биридир. Бугунги кунда ривожланган олий таълим муассасалари ўзининг ўқитиш методикасида бўалажк мутахассисларда билимларни ўзлаштиришлари билан бирга уларни танқидий ва таҳлилий баҳолаш, хулоса қилишга қаратилган аналитик тафаккуруни ривожлантиришга алоҳида эътибор қратайлмоқда. Бугун халқаро таълим муҳитида ОТМларнинг ривожланганлиги уларнинг рақобатбардош кадрларни тайёрлашдаги имконияти ва салоҳити, улар тайёрлаган кадрларнинг иш самарадорлиги ва сифати билан ўлчанаётган бир вазиятда Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам бу ёндашувни оммалаштириш ва бу орқали бўлажак кадрдарни тезкор қарор қабул қилувчи,



вазиятга тез мослашувчи ва аналитик тафаккури кучли бўлигшига аҳамитят қаратиш муҳим вазифалардан биридир.



1.1.- расм. Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантиришда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар

«Замонавийтафаккур усули қандайаталишидан қатъий назар, бунёдкор ғояларга камарбаста бўлмоғи, вайронкор ғояларга асосланган мағкураларнинг асл мақсад муддаоларини ўз вақтида англаб олиши, бу борада оқниоққа, қорани қорага ажратишида одамларга ёрдам бериши лозим. Замонавий тафаккур усули ҳодисаларнинг ҳамма томонлари ва алоқасини эътиборга олмайдиган усулларга қарши бўлмасдан, балки муҳимхусусият ва ҳал қилувчи омилларни ажрата олмасдан турли алоқа ва муносабатларни механик равишида қўшувчи усулларга ҳам қаршидир»[10]. Худди шундай ёндошиш инсон билиши ва амалий фаолияти муваффақиятининг асосий шартидир.

Аналитик тафаккур услуби фақат айтиш мумкин бўлган нарсага чегара ўрнатиш масаласидагина қарши бўлган. Мантиқий тузилган тилда, метафизик гаплар шакланган бўлиши мумкин эмас, негаки унда янгилишишга олиб келадиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Муаммо моҳияти шундаки, киритилаётган ўзгартиришлар жуда осон тушуниладиган, аввал олинган маълумотлар билинмос бўлиши керак. Яъни аналитик тафаккур услуби мантиқий парадоксларни гапларни истисно қилиш йўли билан тушунтиришга мойил.



Аналитик тафаккурни ривожлантиришда кўр-кўрона, догматик равища эмас, онгли танқидий тафаккурнинг аҳамияти катта. Бунда аввало шуни таъкидлаш жоизки, айнан аналитикфикрлаш танқидий тафаккур тараққиётининг энг олий намунасиdir. Демак, ана шу аналитик тафаккурнинг ривожланишидаги турли қарашлар, ёндошувлар, концепциялар орасидаги зиддиятлар мавжудлигига эътибор берилса, талабада танқидий тафаккурни ривожлантириш унча қийин муаммо эмас.

Адабиётлар

1. Шодмонов Ш, Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент.: Фан. –Б. 3.
2. Шодмонов Ш, Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент.: Фан. –Б. 5.
3. Шодмонов Ш, Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси. –Тошкент.: Фан. –Б. 12.
4. Мирқосимова, М. М. (2020) Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси. *Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 4 , Article 89.*
5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss4/89>
6. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. Тошкент.: Ўқитувчи.-1990. –Б. 25.
7. Мирқосимова М.М. Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси// НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ 2020 йил 4-сон. –Б. 479.
8. Ҳасанов Ш. Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш. (Олий филологик таълим мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. Наманганд. АДУ. –Б. 11.
9. Ҳасанов Ш. Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш. (Олий филологик таълим мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. Наманганд. АДУ. –Б. 11.
10. Мирқосимова, М. М. (2020) Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси. *Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 4 , Article 89.*
- Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss4/89>
11. Мирқосимова М.М. Талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологияси// НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ 2020 йил 4-сон. –Б. 479.
- Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16(2), 55-59.
12. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of assertive behavior in the development of cognitive activity. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 38-42).